Тошкент оқшоми

2016 йил 19 июль, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 143 (13.206)

Баҳоси эркин нархда

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Мустақиллик мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётида туб ўзгаришлар ясади. Уларнинг саломатлиги, турмуш шароити, ҳуқуқ ва манфаатларига эътибор кучайди. Аёлларнинг ҳаёт сифати, жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошди. Бугун улар оилаларни обод қилиш билан бирга давлат ва жамият бошқарувида, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фидокорона хизмат қилмоқда.

ИСТИҚЛОЛ БАХТУ ИҚБОЛ БЕРДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора МАЪРУФОВА мустақиллик йилларида аёлларга яратилган имкониятлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, оила ва ишдаги ўрни юксалиб бораётгани хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади, деб таъкидлайди Президентимиз. Бу борада Ўзбекистон энг маданиятли, юксак маънавиятли мамлакат, десак арзийди. Онага ҳурмат – халқимиз учун юксак бурч ва шараф, миллий қадрият ҳисобланади. Халқимиз энг азиз неъматларини онага қиёслайди – она Ватан, она тили, дейди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган алоҳида модда киритилган. Мамлакатимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонида Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилган. Давлатимиз раҳбари ҳар йили Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллаши эзгу анъанага айланган.

Истиқлолдан кўп ўтмай – 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилди. 1995 йил 2 март куни Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Бу ҳужжат хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янги босқичга кўтарди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазирнинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди. Хотин-қизлар масаласининг бундай юксак даражага кўтарилиши ҳам жаҳон давлатчилиги тарихида камёб воқеа. Бундай ёндашув нуфузли халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ўтган даврда Хотин-қизлар қўмитасининг 41 мингдан зиёд бошланғич ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиб, жамиятнинг барча бўғинларига кириб борди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, оила, жамият ва мамлакат ҳаётидаги ўрнини юксалтиришда муҳим омил бўлди. Ушбу ҳужжат асосида жорий этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаётган аёллар жамиятимиздаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни турли зарарли таъсирлардан асрашга катта ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Шэньси провинцияси Хитой халқаро савдо тараққиётига кўмаклашувчи қўмитаси томонидан бизнес-форум ва кооперацион биржа ўтказилди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда Шэньси провинцияси Хитой халқаро савдо тараққиётига кўмаклашувчи қўмитаси ўртасида ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

● Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида миллий интернет сегментини ривожлантиришда ёшларнинг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Наманганда "Ҳудудларда ижтимоий шериклик: тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва барқарор тараққиёт кафолати" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда мустақил тараққиёт йилларида ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида эришилган ютуқларни тарғиб этиш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва жамоатчилик экологик назоратининг истиқболлари, соғлом турмуш тарзини юксалтириш ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

● Андижон вилояти Асака тумани маданият ва истироҳат боғида аскиячи ва миниатюра театрларининг мамлакат кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 18 жамоа аскиянинг пайров, қофия, радиф, ўхшатма, баҳри байт, қизиқчиликнинг сўз ўйини, қочирим, ҳазил-мутойиба, муболағa, масхарабозлик сингари жанрларидан кенг фойдаланган ҳолда маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Буюк Британия парламенти мамлакатнинг ядро қалқонини модернизациялашни қўллаб-қувватлаган ҳолда овоз берди.

● Болта кўтарган кишининг Германияда ҳаракатланаётган поезд йўловчиларига ҳужум қилиши натижасида 15 та одам жароҳатланди.

● Ереван марказида намойишчиларнинг полициячилар билан тўқнашуви бўлиб ўтди.

● Япониялик олимлар инсон мушаклари устида иш олиб бориб, сунъий мушаклардан ташкил топган ва роботлаштирилган инсон скелетини яратди. Мушаклар скелет модели устига худди инсон танасидаги сингари жойлаштирилди. Робот инсонларга хос ҳаракатларни амалга ошира олади, жумладан, юра олади, бош чаноғини қимирлатади ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни бажаради.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ КЕНГ НАМОЙИШИ

Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси якунланди

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига асосан ўтказилган мазкур ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмаси, "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси маълумотларига асосан, ярмарка якунларига кўра, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 270 шартнома имзоланди. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 27 фоизини сабзавотлар, 25 фоизини узум, 20 фоизини мевалар, 17,6 фоизини қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини қовун ташкил қилди. Ярмарка ниҳоясига етган бўлса-да, шартномалар тузиш ишлари давом этмоқда.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси доирасида бўлиб ўтган "Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистонда етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотларининг табиий хусусиятлари, юқори истеъмол сифати, соҳада амалга оширилаётган модернизация ва диверсификация самаралари билан яқиндан таништирилди. Анжуман мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг тежамкор технологиялари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш, ушбу маҳсулотларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, селекция ва уруғчилик, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш масалаларини атрофлича муҳокама қилиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

Ўзбекистонда аграр саноат жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳа мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига катта ҳисса қўшмоқда ва экспорт таркибида салмоқли улушга эга. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир. Иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, мева-сабзавотчилик ва у билан боғлиқ қайта ишлаш саноатини қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш давомида ушбу секторда улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

Халқаро ярмаркада ҳўл ва қуруқ мевалар, цитруслар, сабзавотлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зираворлар, ичимликлар, қадоқлаш технологиялари, совутиш ускуналари, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар ишлади. Ўзбекистон мева-сабзавотчилик соҳаси вакилларининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 170 дан ортиқ компания экспозицияларида кенг ўрин эгаллади. Улар кўплаб турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини намойиш қилиб, ўз хизматларини таклиф этди. Барча вилоятларнинг мева-сабзавотчилик соҳасидаги салоҳиятига оид тақдимотлар ўтказилди.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан уч юздан зиёд ишбилармон доиралар вакилларининг қатнашгани чет эл ишлаб чиқарувчилари ҳамда савдо компанияларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини яна бир бор исботлади.

Хорижлик иштирокчиларнинг фикрича, бундай самарали ҳамкорлик мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити туфайли изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда турли соҳалар қатори аграр саноатда фаолият кўрсатаётган чет эллик инвестор ва шериклар учун қатор солиқ ва божхона имтиёзлари, бошқа преференциялар жорий этилган бўлиб, бу уларнинг мамлакатимизда муваффақиятли бизнес юритишига қулайлик яратмоқда.

Мамлакатимиздаги кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг ярмаркада иштирок этгани уларга шериклари доирасини кенгайтириш имконини берди. Мутахассисларнинг фикрича, Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг ўтказилиши Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари, айниқса, ҳудудларда жойлашган корхоналарга мева-сабзавот маҳсулотларининг хорижлик истеъмолчилари билан бевосита ҳамкорлик ўрнатиш ва уларни жаҳон бозорларига янада кўпроқ олиб чиқиш учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

Анжуман доирасида иштирокчилар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Жиззах вилоятларидаги корхоналар, фермер хўжаликлари ва боғларда бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самаралари, мева-сабзавот етиштириш, сифатли сақлаш ва қадоқлаш тизими, экспортга тайёрлаш жараёни билан бевосита танишди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган ушбу ярмарка мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

(ЎзА)

Сўз – халқаро ярмарка иштирокчиларига

ДУНЁДАГИ ЭНГ МАЗАЛИ ВА ФОЙДАЛИ МЕВА-САБЗАВОТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛАДИ

Тошкентда 12-16 июль кунлари I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан халқаро савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари, мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик соҳасида иш юритувчи корхоналари иштирок этди.

ЎзА мухбири ярмарка иштирокчиларининг таассуротлари билан қизиқди.

Говиндаражу ТАНИГАЙРАСУ, "Eco Green Group" компанияси бош менежери (Ҳиндистон):

– I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва мева-сабзавотчилик соҳасидаги улкан салоҳиятини яна бир бор намоён этди. Халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик узоқ тарихга бориб тақалади. Бугунги кунда ўзаро алоқаларимиз кўплаб соҳаларда жадал ривожланаётгани бизни қувонтиради.

Ўзбекистонда бизнес юритиш, ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг юксак сифати бугун бутун дунёга маълум. Шу боис жаҳон бозорида Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларига талаб йилдан-йилга ошиб, харидорлари сафи тобора кенгайиб бораётир. Бизга, айниқса, мамлакатингизда етиштирилаётган узум ва анор жуда маъқул бўлди. Қатор компания ва корхоналар раҳбарлари билан музокара ўтказиб, мазкур маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича келишувга эришдик.

Заид Абдулла АЛ-АМДИЙ, "Avenue Manufacturing" компанияси бош ижрочи директори (Малайзия):

– Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг муҳим шерикларимиздан. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани самарасида мамлакатингизда ҳар бир соҳа, жумладан, мева-сабзавотчилик соҳаси жадал ривожланмоқда. Қисқа вақт ичида Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилган туб ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни экспорт қилиш имконини берди.

Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг уйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва фойдали мева-сабзавотлар Ўзбекистонда етиштирилади.

Малайзиялик кўплаб олиму мутахассислар, тадбиркорлар Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Зеро, мамлакатингиз ушбу соҳада катта салоҳиятга эга.

Ярмарка кунлари Ўзбекистондан шарбат экспорт қилиш бўйича шартнома имзоладик. Асал ва ўрик сотиб олиш бўйича келишувга эришдик. Ўзбекистондан Малайзияга экспорт қилинадиган мева-сабзавотлар ва уларни қайта ишлашдан тайёрланган маҳсулотлар тури ва ҳажмини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Дмитрий ЛЕДЕНЕВ, "Экска Центр" масъулияти чекланган жамияти бош директори (Россия):

– Тошкентда ўтган Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси юксак савияда ташкил этилгани, мазкур анжуман биз, ишбилармонлар учун ҳар томонлама фойдали бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Форум доирасида биз кўрган мевали боғлар, бозорлардаги мўл-кўлчилик халқингиз фаровонлиги, юртингиз бойлигининг яққол намунасидир.

(Давоми 3-бетда)

ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Биз бугун мустақил давлат ва жамият қуриш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврни, бир неча ўн йиллар, балки асрларга тенг келадиган йўлни босиб ўтдик. Шу ўринда бир қадар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, айниқса, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислоҳотлар хусусида тўхталиш лозим.


Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ "шок терапияси"дан воз кечган ҳолда, ислоҳотлар сиёсатини ўтказди. Бош ислоҳотчи ва ташаббускор бўлишдек оғир вазифани давлат ўз зиммасига олди.

Тарихга назар соладиган бўлсак, 1989-1990 йиллар катта иқтисодий қийинчиликлар даври эди. Экинзорларнинг бор-йўғи 8-10 фоизида буғдой етиштириларди, 0,8 фоизида – картошка. Айни вақтнинг ўзида улкан майдонлар пахта учун ажратилганди. Бироқ шундай оғир вазиятда ҳам, Ислом Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида 1989 йилнинг август ойида "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида"ги қарор қабул қилинди.

Кўп узоққа бормайлик. Яқинда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммити олдидан Юртбошимиз Хитой Халқ Республикаси раиси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, парламент аъзолари билан учрашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар. Хусусан, Президентимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки йилларда бизга ҳеч ким четдан келиб ёрдам бермаганлигини таъкидлаб, юртимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолганини, эски мустабид тузумдан бирёқлама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан хомашё етказиб беришга мослашган заиф ва ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолганлигини мисолларда таҳлил қилиб бердилар.

Шу кунларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган юксак натижалар ҳаммамиз учун улуғ ва азиз бўлган Истиқлол берган имкониятлар билан боғлиқ эканлигини ҳар бир юртдошимиз ҳис этиб турибди. Боиси, кўплаб миллат ва элатларни ўз бағрида бир оиладек бирлаштириб, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, ҳар бир фуқаронинг чин инсон сифатида қадр-қиммат топишининг замирида мустақиллик, эрк ва озодлик турибди. Шу маънода бугун истиқлолни тинчлигимиз, фаровонлигимиз ва жаҳонда тенглар ичра тенг бўлган етуклигимиз рамзи дейиш мумкин.

Бугун дунё жамоатчилиги ўртасида ўзининг ўрни ва эътирофига эга бўлиб бораётган мамлакатимиз, халқимизнинг бундай натижалари ҳам аввало истиқлол шарофати билан танлаб олинган йўлнинг, ноёб, ўзига хос "ўзбек модели"нинг самараси дейиш мумкин. Буни биргина сўнгги йилларда хатто ўзини етакчи давлатлар қаторида санаб келаётган баъзи мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиш йўли – "ўзбек модели"нинг дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётгани тимсолида кўриш мумкин. Ундаги кучли ижтимоий сиёсат, қонун устуворлиги, иқтисодиётнинг сиёсий масалалардан устунлиги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва давлатнинг бош ислоҳотчилиги тўғрисидаги тамойилларнинг қатъий белгиланиши бугун халқаро майдонда рўй бераётган турли муаммолар олдида, мамлакат ва халқларни тинчлик ва тараққиётга олиб чиқишнинг энг тўғри йўли эканлигини кўрсатмоқда.

Энг муҳими бу йўлни танлашда Президентимиз қайд этганидек, биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошма-шошарлик, калтабинлик ҳолатларига, пала-партиш ишларга асло йўл қўймадик. Бу эса пировардида "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган тамойилнинг амалда ўз исботини топишига хизмат қилмоқда.

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йигирма беш йил ичида мамлакатимиз иқтисодиёти 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошган, жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмаётганлиги асрга татигулик натижалар дейиш мумкин. Айниқса, истиқлолга қадар умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 56,5 фоизини ташкил этаётгани ва улар ҳисобига жами аҳолининг 77,9 фоизи бандлиги, уларнинг мамлакат тараққиётини ўз зиммасига олган куч эканлигини кўрсатмоқда. Бу ўзининг истеъдоди, билими ва меҳнатини намоён қилиб келаётган юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари самараси дейиш мумкин.

Истиқлолнинг қарийб йигирма беш йиллиги давомида эришилган натижалар мисолида яна бир бор англаш мумкинки, бугун халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни чуқур ҳис этиш ва ватандошларимизни янги марралар сари бошлаш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Яна бир тарихий воқеани эслайлик. Яқинда, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммити олдидан фойдаланишга топширилиши ва бу икки тарихий воқеанинг бир вақтга тўғри келишида ҳам чуқур маъно мужассамлигини кўрамиз. Ушбу йўл Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиёти, инфратузилмасини юксалтириш баробарида Ўзбекистон аслида қандай буюк давлат экани, халқи қандай қудратга, салоҳиятга эга эканини яна бир бор жаҳон ҳамжамиятига намоён этди. Осиё ва Европани боғловчи кўприк, икки минтақа ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ноёб объект "аср мўъжизаси" сифатида тарихда қолди. Шубҳасизки, ушбу темирйўлнинг қурилиши нафақат халқимизга, балки тадбиркорлар учун ҳам ғоят қувончли воқеа бўлди. Эндиликда водийнинг ўзида туриб юкларни дунёнинг исталган мамлакатига экспорт қилиш имкониятига эга бўлишди. Бу мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самарасидир.

Зотан, дунёдаги энг азиз неъмат – тинчликдир. Тинчлик бор маконда фаровонлик, тўкин-сочинлик, бахт-саодат ҳукмрон бўлади. Президентимизнинг юксак минбардан "Илгари ҳам айтганман – бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу – ўзбек халқининг истаги, бу – ўзбек халқининг мақсади, бу – ўзбек халқининг қароридир", дея айтган қатъий сўзлари нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё халқлари қалб қўридан Ўзбекистон деган давлат тинчликсевар мамлакат дея ўрин олса ажаб эмас.

Элбек ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · NEZAVISNOST · O'ZBEKISTON

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗГА ДУНЁ ҲАВАСИ ОРТМОҚДА

ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан манфаатдор вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида видеоконференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари У.Суннатов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар туфайли бу соҳа иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилиши билан бирга уларнинг ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 2015 йил ва 2016 йилнинг 6 ойи давомида ўтказилган назорат тадбирлари давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа давлат органлари ходимлари томонидан содир этилган 12 мингдан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 1 минг 200 дан ортиқ мансабдор шахс маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилди, 250 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Бунинг натижасида 9 минг 350 тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Видеоконференция давомида мамлакатимизда кейинги йиллар давомида қабул қилинган тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, юқоридаги қарорга асосан 194 "ягона дарча" марказлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш учун барча зарур шароитлар яратилган. "Ягона дарча" марказлари орқали 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган бўлиб, фуқаролар уларда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рухсатномаларни олиши мумкин. Шу билан бирга, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, инженерлик-коммуникация тармоқларига уланиш, бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказиш каби давлат хизматлари ҳам "ягона дарча" марказлари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам видеоконференция иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, Бош прокуратурада мурожаатларни туну кун телефон орқали қабул қилиш маркази ташкил этилган бўлиб, 34 вазирлик ва идора билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатилган. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан электрон назорат тизими жорий қилинган.

Марказнинг ўтган даврдаги фаолияти давомида қабул қилинган мурожаатларнинг 64 мингдан ортиғи ҳал этилиб, натижаси бўйича 330 ноқонуний қарорга нисбатан протестлар келтирилди, қонунбузилишлар ва уларнинг сабабларини бартараф этиш ҳақида 364 тақдимнома ҳамда судларга 23,4 миллиард сўмни ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди. Қонунбузилишларга йўл қўйган 886 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 402 жиноят иши қўзғатилди.

Тадбирда айрим давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларга тўсқинлик қилиш, ҳуқуқларини чеклаш ва давлат хизматларини кўрсатишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётгани танқид остига олинди.

Шу билан бирга, тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг амалий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Ушбу йўналишдаги ишларни изчиллик билан давом эттириш, шу жумладан, бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид зарур чоралар кўриш ва таклифлар ишлаб чиқиш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Видеоконференцияда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мингга яқин тадбиркор иштирок этиб, уларни қизиқтираётган масалалар бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК ИШТИЁҚИ БИЛАН ЯШАМОҚДА

Ватан – ягона. Ватан – бетакрор. Шу боис, унинг ҳар қарич ерини зарга, ҳар ҳовуч тупроғини олтинга қиёс этамиз. Она заминимизни муқаддас билиб, ҳар бир неъматини кўзимизга тўтиё айлаймиз. Истиқлол эса ана шу эзгу анъаналаримиз, туйғуларимизга жўшқинлик бағишлади. Ватаннинг қадр-қимматини янада теранроқ англаб етишга ундади. Муҳими, бугун халқимиз яратувчанлик, бунёдкорлик иштиёқи билан яшамоқда. Бунинг ифодаси, аввало, юртимизнинг кўркам қиёфаси, турмушимиз фаровонлигида кўзга яққол ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган тадрижий ислоҳотлар сиёсати ва халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан натижаларга эришиб, изчил тараққий этиб бормоқда.

Гарчи юртимиз ўзининг навқирон чорак асрини қарши олаётган бўлсада, ана шу қисқа муддатда янги муваффақиятларни, юксак марраларни забт этаётир. Уларнинг ҳар бири, айниқса, дунё жадал ўзгариб бораётган, бутун бошли минтақалар сурункали низолар ўчоғи ва қонли тўқнашувлар гирдобида қолган бир даврда жуда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон мураккаб геосиёсий шароитда мамлакатда қарор топган барқарорлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришаяпти, ижтимоий соҳа ривожланмоқда, таълим ва тиббиётни равнақ топтириш ҳамда қишлоқларни янада обод қилишга катта миқдорда инвестиция йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳага жамият эътиборини кучайтириш, манзилли ижтимоий ҳимояни кафолатлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизни тараққий эттиришнинг миллий модели асосини ташкил қиладиган беш тамойилнинг бири ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритишдан иборат. Мазкур тамойил асосида мустақиллик йилларида мамлакатимизда бекиёс ишлар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳа, хусусан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаси ҳақида гап кетар экан, мамлакатимизда бу борадаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. 1991 йилдаёқ "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги ва бошқа шу каби қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мазкур қонун ҳужжатларининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши, ҳар йили давлатимиз бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга сарфланаётгани ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий ислоҳотларни босқичма-босқич, тизимли равишда изчил олиб борилиши натижасида мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик сақланиб, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб, бунёдкорлик салоҳияти тобора ошиб бормоқда. Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан хар йили давлат бюджетномаси кўриб чиқилади. Унга кўра жорий 2016 йилда ҳам ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизидан кўпроқ маблағ ажратилди. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди.

Дунё тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, халқимиз менталитетини ҳисобга олган ҳолда танланган йўлимизга кўра, бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган ва энг аввало, жамият манфаатларига қаратилгандир. Шундан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ислоҳотларда, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатига йўналтирилган сиёсат юритиш орқали иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлиги оширилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

Истиқлолимизнинг илк йилларида Президентимизнинг узоқни кўзлаган одилона сиёсати ва танлаган йўли, яъни ривожланишнинг ўзига хос бўлган беш тамойилга асосланган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги "Ўзбек модели" деб бутун дунёда тан олинмоқда. Айниқса, мустақилликнинг илк йилларидан кучли ижтимоий сиёсат юргизиш масаласи мазкур тараққиётимизнинг ўзига хос йўлида муносиб ўрин топа олди ва бугун унинг ижобий натижасини юқорида келтирилган ҳаётий мисоллардан кузатиб турибмиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилсак, 25 йил давомидаги ислоҳотлар ўзининг натижасини бераётганига гувоҳ бўламиз. Энг асосийси, бу каби халқпарварлик, ижтимоий ҳимояга қаратилган одилона давлат сиёсати, одамлар қалбида Мустақилликка, Истиқлолга чексиз муҳаббат уйғотди.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Баркамол инсонни тарбиялаш ғояси — нафақат миллий, балки умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб туйғудир.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭЪТИБОР

Саодатга элтувчи ягона йўл таълим ва тарбия уйғунлигини вужудга келтиришдир. Таълим билан тарбия — қушнинг икки қанотидир. Уларни ҳаракатга келтирувчиси меҳнатдир.

Умуман олганда, таълим ва тарбия ўртасида ҳеч қачон узилиш бўлмаслиги керак. Таълим жараёнида ёшлар етарли тарбия олмоғи лозим. Тарбия жараёни эса таълим билан тўлдириб борилиши зарур.

Таълим ва тарбия уйғунлигида олинган билим келажакда қувонч ва бахт келтиришига ўқувчиларни ишонтириш керак. Ана шунда билим олиш, тарбия кўриш фаол жараёнга айланади.

Бутун яратилган илм-фан шахс юксалишининг маҳсули бўлиб, уларнинг барчаси инсонни муносиб инсоний сифатда тарбиялаш ва шакллантириш оламга ва ҳаётга теран боқишни ўргатиш, илмли қилиш ва шу каби хислатларни мужассамлаштиришга қаратилган.

Аввалambор баркамол авлодни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим тизимининг ўрни юқоридир. Болаларни биринчи бор ўқув меҳнатига завқ-шавқ уйғотиш, уни севиш учун кўникма ҳосил қилиш болани бир умрга билимга бўлган муҳаббатини шакллантиради ва илмни ўз ҳаётининг ҳамроҳи қилиб оладики, у ҳаёт лаззатларига ва завқларини илмдан топишга ҳаракат қилади. Кўпроқ болаларни табиий камол топишига эътибор қаратиш керак. Унинг қизиқишлари, ички дунёси ва қарашларига, майлига зўравонлик ўтказиш керак эмас. Бундай асосий масъулият ва роль тарбиячининг зиммасига тушади. Ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятда ўрин топишига ва жамиятга хизмат қиладиган муносиб фарзанд бўлишига кўмак бериладиган бўлса, аввало илм олиш билан биргаликда ҳар томонлама яхши инсоний-ахлоқий томондан тарбияланиши шарт бўлади.

Чуқур салоҳиятга эга, етук маънавиятли, соғлом фикрли ёшларгина жамият тараққиётига наф келтира олади.

Комил инсон назарияси алломаларимиз меросида жуда мукаммал ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳар бир ёш йигит-қиз одобда мукаммал бўлишида ва касб-кор эгаллашида, ўзларида моҳирликни тарбиялашда жуда катта роль ўйнайди.

Ақлий тарбия бу тарбиянинг энг улуғи, сардори, гултожиси ва жавоҳиридир.

Тарбиячи одоб-ахлоқ қоидаларига асосланган ҳолда бундай одатли болаларни панд-насиҳатлар ва ибрат орқали яхшиликлар томон буриши керак. Масалан, киши маълумотли бўлса-ю, ахлоқий нопок бўлса уни ҳеч қачон баркамол инсон дея олмаймиз.

Жисмоний тарбия ҳар бир шахснинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан биридир. Ушбу тарбия орқали инсон жисмонан ривожланади, ақлан баркамол бўлади. Соғлигини муҳофаза этади. умрини узайтиради, бардошли бўлади. Жисмоний тарбияси мукаммал бўлган кишилар ҳар қандай ишга, хоҳ у жисмоний, хоҳ у ақлий бўлсин қодир бўлади. Доноларимиз бежиз айтишмаган "соғ танда соғлом ақл" деб.

Маданий тарбия — маданиятлилик, тарбия кўрганлик, инсоннинг ички дунёсида ҳам, ташқи қиёфасида ҳам намоён бўлади.Чунки кишининг ички ва ташқи қиёфаси унинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий ва сиёсий тарбия — ижтимоий тарбияда энг аввало, инсонийлик фазилатларини тарбиялашга эътибор қаратилиши лозим. Ёш болаларни оилада, боғчада, мактаб ва ўқув муассасаларида ҳамда барча даврларда ҳам инсонийлик тарбиясини сингдириш ёхуд ҳар бир киши ўз-ўзини тарбиялаш бўйича кўникма ҳосил қилиши керак.

Бунинг учун энг аввало, болага атрофидагилар, яъни ота-онаси, яқин қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари ва бошқа барча таниш билишлари-ю ҳаётида дуч келган барча ката-кичикларни ҳам ҳурмат ва иззат қилишини ўргатиб бориш керак. Бу миллатимизга хос хусусият, миллатимиз қадриятларидир.

Бола камолотида ижтимоий муҳит жуда ҳам муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунниг энг асосий масалалардан бири ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, маънавий дунёсини юксалтиришдир. Ҳар бир фарзанд ўз юртига, халқига ва ватанига содиқ ватанпарвар инсон этиб тарбияланиши лозим.

Кимё ШАКИРОВА,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

ИСТИҚЛОЛ БАХТУ ИҚБОЛ БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида Ватанимизнинг юксак мукофотлари, жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган юртдошларимиз сафида муҳтарама аёлларимиз ҳам борлиги хотин-қизларнинг меҳнатини қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлаш борасидаги юксак эътиборнинг яна бир ифодасидир. Бугунги кунда адабиёт, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, миллий ҳунармандлик, ишлаб чиқариш, фермерлик каби турли соҳаларда ибратли фаолият кўрсатаётган 14 аёл бу юксак унвонга сазовор бўлган.

Сайловга оид қонунчилигимизга 2004 йилда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ сиёсий партиялардан вакиллик органлари ҳамда парламент депутатлигига номзод кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота жорий этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи, Сенат аъзоларининг 17 фоизи хотин-қизлардир.

Таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73, соғлиқни сақлаш тизимида 75, ишлаб чиқариш тармоқларида 42, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини аёллар ташкил этаётир.

Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги Фармонига мувофиқ таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти қизларимизнинг салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқармоқда. Ўтган йилларда 240 қиз ушбу мукофотга сазовор бўлди. Улар сафида фан номзодлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорлари, спортнинг турли йўналишларида жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионларининг борлиги қувонарлидир.

Хотин-қизларга эътибор мамлакатимизда йилларга ном берилишида ҳам намоён бўлмоқда. Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Мустаҳкам оила йили, Обод турмуш йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари асосида хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш, оилаларни фаровон қилишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Соғлом она ва бола йилида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон 1995 йил 31 августда БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги конвенциясини ратификация қилган, аёллар манфаатларига қаратилган яна қатор дастурларга қўшилган. Уларда белгиланган режа ва мақсадлар тўла амалга ошириб келинмоқда.

Қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлса, у қурадиган оила ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади, деган тамойил ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Қизлар ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим билан тўла қамраб олинмоқда. Хотин-қизлар қўмиталари умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган қизларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугун касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари асосида ўз тадбиркорлик ишини бошлаган қизларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улар қандолатчилик, пазандалик, чеварлик, хизмат кўрсатиш, миллий ҳунармандлик, шифобахш ўсимликлар асосидаги фармацевтика каби йўналишларда тенгқурлари учун қўшимча иш ўринлари яратиб, ўз бизнесини муваффақиятли юритмоқда. Наманганлик Ҳулкарой Маҳамадалиева, Зайнура Қувватова, Раҳима Боқижонова, Хуршида Акбарова, қувалик Маҳлиё Турсуналиева, қўқонлик Муқаддас Набиева, марғилонлик Мафтуна Ғаниева, Маҳлиё Акбарова, косонлик Нилуфар Намозова, касбилик Зуҳра Панжиева ва бошқа юзлаб қизларимиз шулар жумласидан.

Қизларнинг қизиқиши, орзу-интилишларини ўрганиш, саломатлигини асраш, оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини теран тушунтиришда "Ораста қизлар" тўгаракларини, маҳаллалардаги "Саломатлик", "Бандлик", "Оилага кириш", "Таълим-тарбия", "Жиноятчилик профилактикаси" каби жамоатчилик секторларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Қўмита томонидан жойларда оилаларни мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, ёши улуғ инсонлар, аёллар, қизлар, болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрликни янада кучайтириш мақсадида маҳаллаларда тиббий-патронаж хизмати кенг йўлга қўйилди.

Истиқлол туфайли яратилган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида, шу жумладан, илм-фан, инновацион технологиялар соҳасида изланишлар олиб бораётган олима аёллар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда академик, фан доктори ва фан номзоди илмий даражасига эришган аёллар фаннинг турли йўналишларида самарали меҳнат қилмоқда.

Барча шаҳару қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, миллий ва замонавий либослар ательелари қуриб, фойдаланишга топширилаётгани хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига имкон яратмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар аёллар ҳаёт сифатини янада оширмоқда. Уларда уй-рўзғор ишлари учун барча шароит – иссиқ ва совуқ сув, газ ва электр энергияси мавжудлиги бекаларнинг оғирини енгил қилмоқда. Натижада улар оиласига, ўзига кўпроқ вақт ажратмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига кўра шу кунларда қўмитамиз томонидан жойларда "Гўзал ва бетакрорим-сан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда истиқлол йилларида юртимиз хотин-қизларига кўрсатилаётган юксак меҳр ва эътибор, ғамхўрликларнинг мазмун-моҳияти опа-сингилларимизга кенг тушунтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, фидойи, меҳнатсевар, сабр-қаноатли ўзбек аёли мустақиллик йилларида азиз ва мукаррам бўлди. Биз, аёллар давлатимизнинг, халқимизнинг ҳурмат-эътиборини ҳар куни, ҳар бир жабҳада ҳис этиб яшамоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси шу табаррук юрт фарзанди эканимиздан барчамизнинг қалбимизни фахру ифтихорга тўлдиради. Аёлларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашда, ёшларимизни зарарли оқим ва таъсирлардан сақлашда, оилаларда, маҳаллалардаги тарбиявий ишларимизни замон руҳига монанд ташкил этишда масъулиятни чин дилдан англашга чорлайди.

Н.УСМОНОВА
ёзиб олди

ДУНЁДАГИ ЭНГ МАЗАЛИ ВА ФОЙДАЛИ МЕВА-САБЗАВОТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ярмарка доирасида "Buxoro Agroprom Invest" масъулияти чекланган жамияти билан мева ва сабзавотлар, полиз экинлари, узум ва кўкатлар каби жами 18 минг 360 тонна маҳсулот экспорт қилиш бўйича қарийб 8,1 миллион долларлик шартнома имзоладик. Мамлакатингиз билан қишлоқ хўжалиги ва агробизнес соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Мюнг Же ЛИ, "ROC International" компанияси бош маслаҳатчиси (Жанубий Корея):

– Ўзбекистон азалдан Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос робита вазифасини ўтаб келган. Қадимда бу ердан ўтган Буюк ипак йўли орқали турли давлатлар ўртасида савдо ва маданий алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистон бугун ҳам ана шундай алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Мева ва сабзавотлар инсон саломатлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг камида эллик фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши зарур. Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар таркибида саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида мамлакатингиз тадбиркорлари билан беш юз тоннадан зиёд гилос экспорти бўйича шартнома имзоладик.

Эдита СТРАЗДИНА, "Musmaju Darzeni" компанияси раиси (Латвия):

– Мамлакатингиздаги қатор корхоналарда бўлиб, соҳага маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича замонавий ускуна ва технологиялар жорий этилганига гувоҳ бўлдик. Ярмарка доирасида боғдорчилик, мева-сабзавотчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар, уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва тўпланган тажриба билан танишдик.

Бирор мамлакат ҳақида билмоқчи бўлсанг, унинг бозорларини бориб кўр, дейишади. Ўзбекистоннинг тўкин бозорлари мамлакатингиз иқтисодий салоҳиятининг ёрқин кўзгусидир.

Ўзбекистон мева-сабзавотлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар мазаси, юқори сифати ва инсон организми учун зарур ва фойдали бўлган витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз самарали ва манфаатли бўлишига ишонаман.



Бакши РАДЖИВ, "Seasky Shipping" компанияси директори (Ҳиндистон):

– Дунёнинг турли мамлакатларидан етакчи эксперт ва ишбилармонлар иштирок этган халқаро ярмарка ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва мева-сабзавотчилик соҳасидаги тажрибаси барчанинг эътиборини тортди. Мамлакатингизда аҳолини мазали, экологик тоза ва хавфсиз мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни қайта ишлаб, экспорт қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

Тадбир давомида биз, хорижлик иштирокчилар, Ўзбекистоннинг нафақат мева-сабзавотчилик соҳаси, балки транспорт ва логистика тизимида ҳам улкан салоҳиятга эга эканига гувоҳ бўлдик. Компаниямиз дунё бўйлаб маҳсулотларни сифатли ва хавфсиз етказиш бўйича хизмат кўрсатади. Ўзбекистон билан мазкур соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш ниятидамиз.

Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди

МАРОҚЛИ ДАМ — ШИЖОАТГА ҲАМДАМ

Ёзги таътил мавсумида ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш юртимизда ёшларга таълим-тарбия бериш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири саналади.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик эртамиз эгалари маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом тафаккур соҳиблари этиб камол топтириш, қалби ва онгу шуурига она-Ватанга муҳаббат, тарихимизга ҳурмат ҳамда эҳтиром туйғуларини чуқур сингдиришда беқиёс аҳамиятга эга.

– Бу йил пойтахтимиздаги 36 та мактаб қошида кундузги оромгоҳлар очилди, – дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Равшан Эргашев. – Ушбу оромгоҳларда 7-13 ёшдаги 16 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олиши режалаштирилган. Бундан ташқари, ёзги мавсумни мазмунли ўтказишлари учун 100 мингдан ортиқ болалар спорт-соғломлаштириш майдончалари, болалар спорт мажмуалари, клуб ва тўгаракларга жалб этилди. Бундан ташқари, "Баркамол авлод" марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари, ахборот-ресурс марказларида ўқувчилар учун турли тўгараклар фаолият юритмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 286-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Алпомиш" спорт соғломлаштириш оромгоҳида болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайлик муҳайё.

Атрофи мевали ва манзарали дарахтлар, турфа гуллар билан ўралган бу сўлим гўшага кирар экансиз, болаларнинг шўх-шодон кулгулари қулоғингизга чалинади. Улар сузиш ҳавзасида мириқиб чўмилмоқда. Сал нарироқда шахмат-шашка, қувноқ стартлар, стол тенниси баҳслари давом этаётир.

Бу ерда ошхона, кутубхона, спорт майдони, сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, соғломлаштириш комплекси тўрт сменада фаолият кўрсатаяпти. Мавсум охирига қадар мазкур гўшада 400 нафардан зиёд ўқувчилар дам олиши мўлжалланган.

Оромгоҳда ўқувчиларнинг билим ва дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган турли маданий-маърифий тадбирлар, интеллектуал беллашувлар, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда. Айни чоғда, болалар "Моҳир қўллар", "Ёш спортчи", "Ёш китобхонлар", "Мозийдан садо", "Ёш мусаввир", "Мусиқам — жону дилим" сингари тўгаракларга катта иштиёқ билан қатнашишаётир.

Ўғил-қизлар ёқтирадиган машғулотларидан яна бири сузишдир. Шифобахш фитобар ҳам улар хизматида. Ҳар куни кинотеатр, театр, цирк сингари маданий масканларга, музейлар, истироҳат боғлари, пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшаларига уюштирилаётган саёҳатлар уларга олам-олам қувонч ва завқ бағишлаётгани, шубҳасиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш билан бир қаторда ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

"Алпомиш"да ҳам болалар ўртасида маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар доимий эътиборда. "Эртаклар – яхшиликка етаклар", "Ўзбекистон – Ватаним маним", "Ким бўлсам экан?" каби кўрик-танловлар, тарих, миллий истиқлол ғояси, одобнома дарслари бўйича савол-жавоб ва викториналар ўтказилаётир.

– Ёзги таътилни шу ерда ўтказаётганимдан жуда хурсандман, – дейди ЎзА мухбирига Комилжон Раҳмонбердиев. – Оромгоҳда тўгараклар кўп. Мен теннис, сузиш, шахмат бўйича машғулотларда иштирок этиб, спорт мусобақаларида бир неча бор ғолиб бўлдим. Бу ердаги марокли дам янги ўқув йилини аъло кайфият ва шижоат билан бошлашимизга ёрдам беради.

Муассасадаги тўқиш, дурадгорлик, қулолчилик, либослар дизайни машғулотлари болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Доира, дутор, рақс, актёрлик маҳорати тўгараклари ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотса, турли фанларга, хусусан, чет тилларига оид машғулотлар ўзлари қизиқкан соҳалар бўйича билимини янада мустаҳкамлайди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда болажонларимизнинг оромгоҳларда яхши дам олиб, навбатдаги ўқув мавсумига кўтаринки кайфият, янги куч, шижоат ва олам-олам таассуротлар билан қайтишларини таъминлаш учун барча шарт-шароит яратиб берилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азима ҚИЁСОВА

Орамизда шундай инсонлар ҳам борки улар пулни деб ўз лавозимларидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шундайлардан бири Назира (исм-шарифлар ўзгартирилган) бўлиб чиқди. У Олмазор туман Мудофаа ишлари бўлимида шифокор лавозимида ишлаб келаётганди. Пул унинг кўзларини кўр, қулоғини кар қилди.

ФИРИБГАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Осонгина пул топиш, яхши еб-ичиш, таралла-бедод ҳаёт кечириш васвасаси бу аёлни ножўя йўлларга бошлади.

У аввало, иш излаётган таниши Аҳмаднинг ишончига кириб, уни ҳокимиятда юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали моддий манфаатдорлик эвазига, ҳокимиятга ишга киргизиб қўйишни ваъда қилди. Унинг гапларига ишонган Аҳмад ўз қўллари билан Назирага паспорти, меҳнат дафтарчаси, бакалавр дипломининг нусхасини берди. Назира ишга киритиб қўяётганлиги эвазига ундан 500 АҚШ доллари сўради.

"Ҳозир бунча пулим йўқ. Ишга кириб олай, албатта, айтган пулингизни бераман" деди унга Аҳмад.

Орадан бироз вақт ўтгач, Аҳмад Назира билан учрашиб, таниши Хуршиданинг ўғли Ҳамидни Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедрасига ўқишга киритиб қўйишини гаплашиб беришини илтимос қилганлигини айтди.

"Қаловини топсанг қор ҳам ёнади" дейдилар. Бугунги кунда ҳамма нарсанинг иложиси бор. Фақат "мушук ҳам офтобга бекорга чиқмайди" деганларидек бунинг эвазига 1.000 АҚШ доллари олиб келиб берасиз" деди Назира.

Аҳмад унинг гапларини Хуршидага етказди. Онаизор фарзанди учун барча нарсага тайёр эди. Шунинг учун ҳеч иккиланиб ўтирмай айтилган пулларни Аҳмадга берди. Аҳмад бўлса уни Назиранинг қўлларига тутқазди.

Бироқ Хуршиданинг ўғли Ҳамид ўқишга киролмади. Бундан жаҳли чиққан аёл дарҳол Аҳмадга қўнғироқ қилиб нима учун бундай бўлганлигини сўради. Аҳмад унга таниши Назира қўшимча ўринга киритишини маълум қилганини айтиб, аёлни тинчлантириб, унинг телефон рақамини берди.

Хуршида дарҳол Назирага қўнғироқ қилди. Аёл унга ўғлининг фамилиясини вазирликка бериб қўйганлигини, қўшимча ўрин очилиши билан Ҳамидни унга қўшишини айтиб уни ишонтирди.

Мўътабар неварасини узатишга тайёргарлик кўраётганди. Келини Гуллола унга ва кеннойиси Васидага яхши мебель олдисотдиси билан шуғулланадиган Назирани таништириб қўйди. Мўътабар билан Васида Назира билан учрашиб гаплашишди.

"Мебелларни Хитойдан олиб келаман. Ҳам сифатли ва арзон" дея аёлларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди Назира. Уларга бир нечта мебель жиҳозларининг расмини кўрсатди. Улар шу расмларга қараб мебель танлашди. Сўнгра у Мўътабардан мебель жиҳозлари учун 5.500 АҚШ доллари, Васидадан эса 5.000 АҚШ долларини олди.

Шундан сўнг у аёлларга турли баҳоналар қилиб мебель ҳам олиб бермади, пулларини ҳам қайтармади.

Тоқати-тоқ бўлган, алданганлар унинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди.

Шундан сўнггина у типирчилаб қолди. Чунки у энди жабрланувчиларга пулларини қайтариши лозим эди.

Суд Назира Комиловага узил-кесил 2 йил муддатга Мудофаа вазирлиги тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 25 фоиз ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчи эдик. Фирибгарлар аввало содда, ишонувчан одамларни танлашади ва тузоққа осонгина туширишади. Фирибгарлар ҳақида қанча гапирилмасин, ёзилмасин, одамлар ундан хулоса чиқармайдилар. Пешона тери билан топган маблағларини ўз қўллари билан уларга топширадилар. Озгина эътиборли, огоҳ бўлсак, шунча кўнгилсизликлар бўлмайди, ахир.

Темур НОРМУҲАМЕДОВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокурори
Хонбиби МАҲАМОВА,
журналист

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЧЕТ ТИЛЛАРДА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида "Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзуида бошланғич таълим ўқитувчиларининг форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори Ш.Шарипов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Ш.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бошланғич таълим ўқитувчиларига янги талаблар қўйганини таъкидлади.

Қарорга мувофиқ, 2013-2014 ўқув йилидан умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш, иккинчи синфдан алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш босқичма-босқич йўлга қўйилди.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури асосида 1-2-синфлар учун дарслик мажмуалари – дарслик, ўқитувчи китоби, машқ дафтари ва DVD диск яратилиб чоп этилди ва ўқувчиларга бепул етказилди. 3-4-синфлар учун чет тиллари дарслик мажмуалари тажриба-синовдан муваффақиятли ўтказилди. Бошланғич синфларда чет тилларини ўқитиш учун 17 минг 222 чет тили хонаси тайёрланиб, уларнинг барчаси DVD, ўқув-кўргазмали қуроллар, луғат ва адабиётлар билан таъминланди. Ўтган йилларда бошланғич синфларга компьютер, проектор жиҳозлари ва 5-9-синфлар учун хорижий тилларни ўрганишга оид материаллар етказилган бўлса, бу йил тўққиз мингдан зиёд чет тили хонаси техник воситалар ва жиҳозлар билан таъминланади.

Йиғилишда чет тили ўқитувчиларининг бу борадаги малакасини ошириш, нутқ кўникмаларини ривожлантириш, мактабда, айниқса, бошланғич синфларда чет тилларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Ушбу масалаларнинг илмий-амалий ечимларига бағишланган маърузалар тингланди. Чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Учтепа туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси Қодир Файзуллаевич Бурлиевга отаси

Файзулла БУРЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари





ЎзА олган суратлар

Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз 2018 йилда Россияда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини Австрияда ўтказмоқда.

МАШҒУЛОТ ЙИҒИНИ ЕВРОПАДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 22 июлигача давом этадиган йиғинда асосан маҳаллий клубларда тўп сурадиган футболчилар иштирок этишмоқда.

Машғулот йиғини доирасида Европанинг кучли клублари — "Боруссия" Д, "Карлсруэ" ҳамда Россиянинг "Уфа" жамоаси билан миллий терма жамоамиз ўртасида назорат-ўртоқлик баҳслари ўтказилади.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ ТАРКИБИ КУЧАЙДИ

Осиё чемпионлар лигаси турнирида зафарли юришини давом эттираётган "Локомотив" таркибини кучли футболчилар ҳисобига янада кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Кузда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси нимчорак финал баҳслари старт олади.

Унда "Локомотив" ҳам иштирок этади. Нуфузли турнирда янада муваффақиятли қатнашишга аҳд қилган "Локомотив" клуби кўп йиллар "Насаф" шарафини ҳимоя қилган туркманистонлик легионер Артур Геворкян билан келишувга эришди. Энди янги шартномага кўра Геворкян темирйўлчилар сафида тўп суради. Бу "Локомотив"нинг ҳужум чизиғини янада мустаҳкамлайди.

Моҳинур ЭВОДИЛЛАЕВА

МУБОРАКДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги чорак финалининг учта ўйини бўлиб ўтди.

Ўзбекистон кубоги чорак финали дастлабки учрашувларида кутилмаган натижалар рўй бермади. Аксинча рақибидан кучлироқ ҳисобланган клублар муҳим очколарни қўлга киритишди.

Муборакда "Машъал" меҳмони бўлган Тошкентнинг "Локомотив" клуби дастлабки учрашувни 4:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этди ва кейинги жавоб баҳсидан аввал жуда яхши имкониятга эга бўлди. Дарвозаларга голларни "Машъал"дан — Ғ.Қосимов, "Локомотив"дан — Т.Абдуҳолиқов (3та), С.Шоаҳмедов киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Қўқон — 1912" — "Бухоро" — 1:1, "Андижон" — "Насаф" — 0:2.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТАЙЁРГАРЛИК СИНГАПУРДА БЎЛАДИ

2016 йилнинг 13–30 октябрь кунлари Баҳрайнда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган 19 ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги йиғинини ўтказиш учун Сингапурга жўнаб кетди.

Жасур Абдураимов бошчилигидаги ёшлар Сингапурда 13–17 июль кунлари машғулотлар олиб бориб, бир неча назорат ўйинлари ўтказишни режалаштирган. Бу йиғин давомида ёш иқтидорлар асосий таркибдаги ўрин учун рақобат қилиб кўришади.

Мазкур йиғинга жалб этилган футболчилар рўйхатини келтириб ўтамиз. Дарвозабонлар — Умиджон Ҳамроев ("Пахтакор"), Умиджон Эргашев ("Насаф"), ҳимоячилар — Ҳусниддин Ғофуров ("Нефтчи"), Хушнудбек Авилов ("Пахтакор"), Ойбек Рустамов ("Қўқон — 1912"), Исломжон Қобилов ("Бунёдкор"), ярим ҳимоячилар — Шароф Муҳитдинов ("Насаф"), Санжар Қодирқулов ("Бунёдкор"), Азизжон Ғаниев ("Насаф"), Сухроб Нуриллоев (РОЗК), Саиджамол Далатжонов ("Динамо"), Достон Ибрагимов ("Динамо"), Ҳожиакбар Алижонов ("Пахтакор"), Нурилло Тўхтасинов ("Бунёдкор"), Жамшид Юсупов ("Пахтакор"), ҳужумчилар — Бобир Абдухолиқов ("Насаф"), Бегзод Ғанижонов ("Қизилқум"), Азиз Суюнов ("Олмалиқ").

Туркманистонда яқинда ниҳоясига етган белбоғли кураш бўйича халқаро мусобақадан сўнг ушбу мамлакат Осиё чемпионатига ҳам мезбонлик қилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Мазкур нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этган вакилларимиз жами бўлиб 31 та медални қўлга киритишди ва умумжамоа ҳисобида мезбонлардан сўнг фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Беллашувлар кутилганидек эркин ва анъанавий йўналишларда ўтказилди. Ҳусниддин Рўзиев, Шаҳзода Эргашева, Бобурмирзо Мўйдинов, Илҳом Машрабов каби кўплаб халқаро мусобақаларда ўз тажрибаларини орттирган полвонларимиз ўзларига билдирилган ишончни яна бир карра оқлашди.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

ЁНҒИНГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғинлиги барчага аён. У қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдириши табиий.

Ёнғин туфайли дунё бўйлаб йилига қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, соғлиғини йўқотади, ҳатто ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилот биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз бу офатга қарши ёхуд унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона ва ташкилот биноларида, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш жуда муҳим. Қоидаларга амал қилиш орқали биз айрим йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Айниқса қиш кунлари иситиш ёки электр тизимлардаги, печка, мўрилардаги арзимасдек кўринган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик даркор. Шунингдек, ёниб турган газ ёки электр плитасини қаровсиз қолдириш, бошқаришни болаларга ишониб қўйиш ҳам хавфсизлигингизга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутманг.

Н.БУРХОНОВ,
Сергели тумани
Ёнғин хавфсизлиги бўлими
инспектори, сержант

* * *

Қадрли ҳамшаҳарлар мана бу йилги баҳор серёғин келганлиги ўт-ўланларнинг одатдагидан ҳам кўп ўсиб кетишига сабаб бўлди. Баҳор фасли ҳам биз билан хайирлашиб, иссиқ ёзнинг тафти ҳам яқинлашди ва ўз навбатида кўмкўк бўлиб дилларга ором башх этган майсалар ёзнинг иссиғидан қуруқ ўт деб номланувчи, ёнғинлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлувчи омилга айланиб боради.

Ёз келиб, кунлар исигандан сўнг дарахтлардаги шохлар ва ўт-ўланлар қовжираб қолаяпти. Ана шу ҳолат маълум қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Қуриб қолган шохлар, ўтлар ёнғин чиқиш хавфини кучайтирмоқда. Ўчирилмаган сигарет, назоратсиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнаши ва бошқа сабабларга кўра уларнинг ёниб, теварак атрофдаги биноларга ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Кейинги пайтда Миробод тумани бўйича бир қанча ёнғинлар содир бўлган. Масалан, 2016 йил 3 июль куни Миробод тумани, Водил кўчаси, 15-уй олдидаги очиқ майдон айнан қуриган ўтларнинг ёқиб юборилиши натижасида содир бўлган.

Бундай нохуш ҳолатлар кўпгина муаммоларни келтириб чиқаради. Биринчидан, ўт ўланларнинг ёниши ёқимсиз хид тарқалишига, тутун аллергик хасталикларни қўзғашига сабаб бўлади. Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, ёнғин чиқиш хавфини кучайтиради. Шунинг учун ҳам қуриган ўтларни йиғиштириб олиш, махсус транспорт воситалари ёрдамида чиқиндихоналарга жўнатиш ёки хандақларга кўмиш мақсадга мувофиқдир. Бундай чора-тадбирлар ёнғин хавфсизлигини таъминлаши билан бирга аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

Жаҳонгир АБДУКАРИМОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ
инспектори, кичик сержант

* * *

Чекиш зарарли иллат. Содир бўлаётган ёнғинлар вақт, жой ёки масофа танламайди. Уй жиҳозлари ёки бошқа мол-мулк ёнса, яна тиклаш мумкин. Лекин арзимаган бепарволик натижасида ёнғин содир бўлиб, унда инсонлар соғлиғига зарар етса, жуда алам қилади.

Ўчмай қолган сигарета қолдиғи нафақат хонадонларда, балки кенг майдонларда қолиб кетган қуруқ ўтларни, маиший чиқиндиларни, хазонрезги мавсумида баргларни ёндириб, йўқ қилишга қодир. Айниқса ёз фаслида қуриб қолган ўт ўланларга сигарета қолдиғи улоқтирилса у катта ёнғинларга сабаб бўлиши турган гап.

Бундай фожиали ҳолатлар уларга гувоҳ бўлган ёки ҳаётга енгилтаклик билан қараётган фуқаролар учун дарс бўлиши керак. Айниқса, ёши улуғ инсонлар ҳамиша, ҳар қандай ҳолатларда, хонадонда ёки кўча-кўйда ёш авлодга намуна бўлишлари, ўрнак кўрсатишлари керак.

Демак тамаки инсон ҳаётига хавф солиши билан бирга у инсон умрини ҳам қисқартиради!

Маҳамаджон МАНСУРОВ,
9-ҲЁХО 13-ХЁХ а/п смена
бошлиғи, капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улушлари такроран қўйилади.

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган "Иссиқлик-қувваттаъмир" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 51,06 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 2 629 830 130 сўм;

Балансда сақловчи: "Иссиқликқувваттаъмир" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: қурилиш-монтаж ишлари, квартал ичидаги ва магистрал иссиқлик ўтказиш шоҳобчаларини қурилиши ва капитал таъмирлаш ишлари, коммунал хўжалиги объектларини умумий қурилиш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali", Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

Аукцион савдоси 2016 йил 4 август куни соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2016 йил 19 август, 6, 21 сентябрь ва 6 октябрь кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali")нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги ҳисоб рақамига: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

I. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси "Ўзгипроўрмонлойиҳа" ДУКга қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "М" мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй манзилида жойлашган умумий майдони 834 кв. метрга тенг бўлган маъмурий бинонинг 5-қавати қисми.

Бошланғич нархи – 1 865 092 160 сўм.

Балансда сақловчи: Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси "Ўзгипроўрмонлойиҳа" ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Ўрмон тузиш ва лойиҳа қидирув корхонаси.

II. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 8-мавзе, Қатортол кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2198 кв. метрга тенг бўлган маъмурий бино қисми.

Бошланғич нархи – 6 175 368 504 сўм.

Балансда сақловчи: Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Ўрмон барпо қилиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 8 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 23 август, 8, 23 сентябрь, 10 октябрь кунлари, соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***20 июль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***20 июлда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 755

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ